

Жабборова О.И.

Бухоро давлат тиббиёт институти

✓ *Резюме*

Мақолада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора тадбирлар таҳлил қилинган. Тиббий биология фанини ўқитишнинг устувор йўналишлари мазмуни очиб берилган. Малакали тиббий кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий асосларига асосий эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Соғлиқни сақлаш, ислохотлар, репродуктив саломатлик, тиббий биология, ҳуқуқий асослар.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПРЕПОДАВАНИЯ МЕДИЦИНСКОЙ БИОЛОГИИ

Жабборова О.И.

Бухарский государственный медицинский институт

✓ *Резюме*

В статье анализируются меры проводимых реформ в области медицины в нашей стране. Раскрыто содержания основного направления преподавания медицинской биологии. Уделяется особое внимание на правовой базе подготовки квалифицированного медицинского персонала.

Ключевые слова. Здравоохранения, реформа, репродуктивное здоровье, медицинская биология, правовая база

MAIN DIRECTIONS OF TEACHING MEDICAL BIOLOGY

Jabborova O.I.

Bukhara State Medical Institute

✓ *Resume*

The article analyzes the measures of ongoing reforms in the field of medicine in our country. The content of the main direction of teaching medical biology is disclosed. Special attention is paid to the legal basis for the training of qualified medical personnel.

Keywords. Health care, reform, reproductive health, medical biology, legal framework

Долзарблиги

Маълумки, мустақиллик йилларида республикамізда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида муайян натижаларга эришилди. Мазкур даврда шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга

оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилди. Натижада 1991 — 2017 йилларда умумий ўлим кўрсаткичи 20 фоизга, оналар ва чакалоқлар ўлими 3,1 баробар камайди. Ўртача умр кўриш давомийлиги 1995 йилга нисбатан 4,6 йилга ошди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини ташкил этишда сўнгги йилларда тўпланиб қолган тизимли камчилик ва муаммолар фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга

қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилди.

Адабиётлар таҳлили ва методология. “Тиббий биология” ўқув фанини таркибий ва мазмунан такомиллаштиришда генетик, биологик билимларнинг ривожланиши, ирсий касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, таснифи ҳамда уларнинг олдини олиш йўллари борасидаги тадқиқотларнинг амалга оширилиши ўзига хос ўрин тутди. Н.П.Бочков, Е.А.Богомазов, Е.Ф.Давиденкова, И.С.Либерман, Е.Т.Лильин, А.Мотульский, Ж.А.Мусаев, Н.К.Нишонбоев, А.Т.Оқилов, Ё.Х.Тўракулов, П.И.Тошхўжаев, Ф.Фогель, Ж.Х.Ҳамидов, Н.М.Шоматов, В.П.Эфроимсон ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда “Генетика” ва “Тиббиёт генетикаси” фанларининг ривожланиш тарихи, айрим белгиларни генетик бошқарилиши, генларни ўзаро таъсири, тиббий генетик усуллар ҳамда турли кўринишдаги генетик касалликлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

Д.К.Беляев, К.Б.Бутаев, Н.М.Верзилин, Р.А.Гурова, Л.Денна, Б.В.Захаров, В.М.Корсунская, Ю.Н.Полянский, А.О.Рувинский, Э.Синота, Б.Х.Соколовская, Е.И.Сукнова, Ж.О.Толипова, С.С.Файзуллаев, А.Т.Ғофуров ва бошқаларнинг ишларида эса таълим муассасаларида “Генетика” ва “Тиббиёт генетикаси” фанларини ўқитишнинг дидактик ва методик жиҳатлари, талабаларга умумий биологик, тиббий ва генетик билимларини беришдаги педагогик ёндашув моҳияти ҳамда “Тиббий биология” ва “Тиббиёт генетикаси” фанларини ўқитишда самарадорликка эришиш йўллари кўрсатиб берилган.

Натижа ва таҳлиллар

Соғлом авлоднинг туғилиши аҳолининг генетик билимлардан етарли даражада хабардор бўлиши, уларнинг генетик саводхонлиги ва тиббий маданиятини оширишга бевосита боғлиқдир. Ирсий касалликлар сабабларини аниқламай ҳамда уларнинг айрим хоссаларини авлоддан-авлодга узатилиш қонуниятларини чуқур англамай туриб, соғлом авлоднинг дунёга келишига ишонч билдириш асло мумкин эмас. Шу сабабли аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тиббий ва генетик билимларни (саводхонликни) кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада “Тиббий биология” фанини ўқитишнинг роли бекиёсдир. Бу предметни ўзлаштириш афзалликларини қуйидаги ҳолатлар билан тавсифлаш мумкин:

Биринчидан, бўлажак мутахассисларни организмнинг индивидуал ривожланиши ва турли генетик касалликларнинг келиб чиқиш сабабларидан хабардор этиш, уларнинг мавжуд биологик билимларини янада бойитишга ёрдам беради;

Иккинчидан, “Тиббиёт генетикаси” фанининг ривожини соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сон Фармони [1], 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони [6], 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4666-сон Қарори [9], 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4310-сонли Қарорлари [8] соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий норматив ҳужжатлар [2, 3, 4, 5, 7, 9, 10] тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда аҳамияти бекиёсдир.

Таъкидлаш жоизки, кейинги икки-уч йил ичида тиббиёт йўналишида 150 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши натижасида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария, шошилинч ва тез тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган хизматлар такомиллашмоқда. Бундай кенг қамровли чора-тадбирлар туфайли аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи узаймоқда. Оналар, болалар ўлимининг олдини олиш, касалликларни барвақт аниқлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Одам генетикаси морфология, физиология ва биокимё билан бир қаторда замонавий тиббиётнинг назарий асосларидан бири бўлиб, у одам ирсияти ва ўзгарувчанлиги ходисаларини молекуляр, ҳужайра, организм,

популяция каби ҳар хил микёсда ўрганади. Одам генетикаси тиббиётнинг асосий йўналишларидан бири бўлсада, у доимий равишда умумий биологиянинг эволюция, онтогенез каби концепцияларидан ва менделизм, ирсиятнинг хромосома назарияси, ДНК-нинг маълумот ташишдаги роли каби муҳим генетик кашфиётлар асосида тараққий этди. Ҳозирги даврда одам генетикаси одам геномини ўрганиш, цитогенетика, молекуляр ва биокимёвий генетика, иммуногенетика, тараққиёт генетикаси, популяцион генетика соҳаларида жадал ривожланиб бормоқда.

Одам хромосомасини таҳлил қилиш усуллари такомиллашган сари кўпчилик касалликларнинг сабабчиси айнан хромосома сонидagi ёки структурасидagi бузилишлар эканлиги маълум бўлди. Хромосома аномалиялари инсон касалликларида муҳим рол ўйнаши, шубҳасиздир. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, барча янги туғилган чақалоқларнинг тахминан 2,5-3 фоизда ривожланишида турли нуксонлар кузатилади. Улардан 1 фоизига яқини ген касалликлари, 0,5 фоизи хромосома касалликлари ва 2 фоизига яқинини турли омиллар таъсирида юзага келадиган туғма ривожланиш нуксонлари ташкил қилади. Сўнгги маълумотларга қараганда, ер юзиди 4-5 фоиз болалар ирсий касалликлар билан туғилиши аниқланган, шунингдек болалар ўлимининг 10-20 фоизи ирсий касалликлар туфайли содир бўлади. Дунёдаги мавжуд инсон хасталикларининг 20 фоизини айнан хромосомадаги бузилишлар (аномалия) билан боғлиқ хасталиклар ташкил этади.

Ўзбекистон ўзининг мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб, баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етказиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Мамлакатимизда халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган “Соғлом она – соғлом бола” дастури доирасидagi чора тadbирлар йиллар давомида янги босқичга кўтарилди. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқ мажмуалари барпо этилди. Йиллар солномасига назар ташлайдиган бўлсак, 1999 йил – “Аёллар йили”, 2000 йил – “Соғлом авлод йили”, 2001 йил – “Оналар ва болалар йили”, 2008 йил – “Ёшлар йили”, 2010 йил – “Баркамол авлод йили”, 2012 йил –

“Мустаҳкам оила йили”, 2014 йил – “Соғлом бола йили” ҳамда жорий 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили”, 2021 йил “Ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди. Мазкур йилларда қабул қилинган Давлат дастурлари ҳамда унга биноан, амалга оширилган ишлар мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилди.

Хулоса

Таъкидлаш жоизки, республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш чора-тadbирларини амалга ошириш доирасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш борасида муайян натижаларга эришилди.

Биринчидан, тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда тиббиёт кадрларини тайёрлашнинг ҳукукий-норматив базаси такомиллаштирилди;

Иккинчидан, олий тиббий таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш, унинг мазмунини янгилаш, сифат даражасини ошириш, барча бўғинларда олий таълим стандартлари ва сифати кўрсаткичлари тизимини жаҳон стандартлари даражаси билан таққосладиган даражага олиб чиқиш бўйича бир қанча амалий тadbирлар амалга оширилди.

Учинчидан, тиббий таълим соҳасини бошқаришда демократик кадриятларни кўллаб-қувватловчи ижтимоий ва маънавий муҳит шакллантирилди, соҳада учрайдиган коррупция ҳолатларига чек қўйилди.

Тўртинчидан, жамоат саломатлиги ва санитария-эпидемиология назорати хизматлари соҳасида олий маълумотли кадрларни тайёрлаш бўйича алоҳида тиббиёт олий таълим муассасасини ташкил қилиш бўйича ҳукукий асос яратилди.

Ўзбекистонда бугун эркин фикрлайдиган, мамлакат тараққиётига ўзига хос муносиб ҳисса қўшаётган баркамол ёш авлод вакилларининг ижтимоий ҳаётга кириб келиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда ёруғ келагачимиз бўлган болаларга ишонч ва ҳурмат-эътибор билан қаралиб, уларнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар бутун дунё жамоатчилиги томонидан тан олинаётганлиги бежиз эмас, албатта. Буларнинг барчаси ҳар қандай ирсий касалликларни олдини олиш, соғлом фарзандларни вояга етказишга қаратилгандир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрель Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 7 декабрь ПФ-5590-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 16 апрель ПҚ-4290-сонли Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 6 май ПҚ-4310-сонли Қарори.
9. «Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2020 йил 7 апрель ПҚ-4666-сонли Қарори
10. Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 сентябрь 769-сон Қарори.

Келиб тушган сана 09.10.2021